

СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТНИ ВОҚЕА ЖОЙИГА ЧИҚИШИ ВА АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШИ



Мусабоев Жуманазар Рузибоевич

*Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази
Тошкент вилоят филиали тиббий- криминалистика бўлими.*

Tel.: (93) 1009567, email: toshvilsteb@mail.ru

Аннотация. Мурда билан боғлиқ воқеа жойини кўздан кечиришда суд-тиббиёти соҳасидаги мутахассиснинг иштироки, шунингдек мутахассис суд-тиббий эксперт ҳодиса содир бўлган жойда биологик объектларни таснифлаш ва олишдаги иштироки.

Калит сўзлар: Воқеа жойи, мурда топилган жой, воқеа жойини кўздан кечиришда суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис иштироки.

Аннотация. Участие специалиста в области судебной медицины в осмотре места происшествия, а также участие специалиста судебно-медицинского эксперта в описании и изъятии биологических объектов на месте происшествия.

Ключевые слова: Место происшествия, место обнаружения трупа, участие судебно-медицинского эксперта в осмотре места происшествия.

Annotation. Participation of a specialist in the field of forensic medicine in the examination of the scene of the incident, as well as the participation of a specialist forensic medical expert in the description and removal of biological objects at the scene of the incident.


Key words: The scene of the incident, the place where the corpse was found, the participation of a forensic expert in examining the scene of the incident.

Мавзуни долзарблиги: Воқеа жойини кўздан кечиришда суд-тиббий эксперт ёки врач экспертни иштироки ва воқеа жойидаги ашёвий далилларни олишда амалий ёрдами. Воқеа жойини кўздан кечиришдаги муаммолар ва таҳлил.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 135-моддаси воқеа жойини кўздан кечириш учун асос. ЖПКнинг 136-моддаси, кўздан кечиришнинг умумий қоидалари. ЖПКнинг 137-моддаси, воқеа жойини кўздан кечириш.


ЖПКнинг 138-моддаси, мурдани кўздан кечириш. ЖПКнинг 141-моддаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси. Воқеа жойи – жиноят аломатлари бўлган жойлар, майдонлар, бинолар ва ҳакозолар Суд-тиббий эксперт ёки бошқа тиббиёт мутахассиси – врачни иштирок этиши. Мурда (мурдалар), жабрланувчи (жабрланувчилар). Суд-тиббий экспертизасидан ўтказилиши лозим бўлган ашёвий далиллар. Воқеа жойида топилган мурда кўригига терговчи, холислар суд-тиббий эксперт (врач эксперт) криминалист ва бошқа мутахассисларни иштироқи.


Материал ва услублар: Воқеа жойига етиб борувчи шахслар. Воқеа жойини кўздан кечириш. Воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси. Суд-



тиббий эксперт (врач эксперт) ҳаракатлари. Воқеа жойини кўздан кечиришда қатнашадиган шахслар: -тезкор тергов гурухи (терговчи прокурор, жиноят қидибув тезкор ходими, суд-тиббий эксперт, ЭКО криминалист, кинолог) Минтақавий профилактика инспектори. Минтақавий жиноят қидибув инспектори. Ҳудудий ИИБ раҳбари ва прокурор. Воқеа жойини кўздан кечириш икки услубда олиб борилади: Статик усул: воқеа жойини бирламчи ҳолатини ўзгартирмасдан ўрганиш, топилган барча

буомлар, объектлар ва уларни бир-бирига жойлашиши ёзилади, суратга олинади, чизмали схемалар тузилиб топилган излар ва нарса буомларга қўл билан тегилмайди. Динамик усул: топилган объектлар, буомлар уларни бирламчи ҳолатлари ўзгартирилиб, ҳар томонлама ағдарилиб кўрилади, барча ҳолатлар суратга олинниб схема шаклида чизмалар тузилади. Воқеа жойини кўздан кечириш атрофдан марказга ёки марказдан атрофга қараб ўтказилади. Буни ўз навбатида воқеа жойини кўздан кечириш раҳбари-терговчи танлайди. Воқеа жойига етиб келган тезкор гурух кўрикни бошлайди. Прокуратура ёки ИИБ тергов бўлими терговчиси баённома тузади, шу ҳолатда суд-тиббий эксперт ёки врач эксперт мурда хақида терговчига оғзаки маълумот беради, бу маълумотларни терговчи баённома кўринишида расмийлаштиради. Криминалист иши. Гувоҳлар сўроғи ва атроф кўриги. Экспертиза ўтказиш хақида қарор. Воқеа жойига келган суд-тиббий эксперт ёки врач эксперт ЖПКнинг 69-моддасида қўрсатилганидек мутахассис сифатида қатнашиб воқеа жойида топилган мурдадаги дастлабки ўлим аломатларини терговчига маълум қиласди. Ўлимни аниқлашда дастлабки белгилар: мурда доғлари, мурда қотиши, мурда куриши, Белоглазов феномини ва бошқалар қўрсатилади.





Воқеа жойидаги мурдани ёзиш вақтида унинг холати, кўл ва оёқлари холати ва бошқа холатлар терговчига айтиб турилади ва баённомага киритилади.

Мурда устидаги ва тагидаги буюмлар

Мурдадаги эрта пайдо бўлган мурда

ўзгаришлари, мурда танасидаги жароҳат бор йўқлиги аниқланиб баённомага киритилади.

Натижалар ва мухокама: Воқеа жойида мурдани қўздан кечиришда судтиббий эксперт (врач эксперт) қуйидаги ҳолатларда терговчига маслаҳат бериб ёрдам кўрсатади: Воқеа жойида топилган барча биологик ашёвий далиллар: қон доғлари, соч толалари ва ажралмаларни олишда ҳамда уларни тўғри расмийлаштиришда амалий ёрдам беради. Мурда топилган воқеа жойига судтиббий эксперт (врач эксперт)ни етиб бориши ва унинг келган жойига қайтиб бориши воқеа жойини қўздан кечиришни ташкил қилган орган ходими амалга оширади ва мутахассисни ишлашига шароит яратиб беради. Судтиббий эксперт (врач эксперт) мурда ҳақида қуйидаги маълумотлар: анатомаконституцион тузилиши, жинси, тахминий ёши, тана узунилиги, тана тузилиши (тўғри ва нотўғри тузилиши) унинг тери қопламалари ранги, кўринувчи шиллиқ пардалар қобиқлари, кўз қорачик, чиқарув тешиклари ҳолати, улардаги ёт жисмлар ва ажралма моддалар, ранги ва аҳамиятли белгиларга эътибор берилади (эксперт ушбу ҳолатларни мурда кийимларини очиб, тугмаларини ечиб, кўтариб аниқлайди). Алоҳида белгилари: чандиқлар, туғма доғлар-холлар, татуировкалар, уларни ранги, жойлашиш жойлари кўрсатилади. Мурда доғларини жойлашиши, ранги, характери, уларни ўзгариши (йўқолиши, оқариши, ўзгармаслиги) вақти секунд ва дақиқаларда кўрсатиб ўтилади. Мурда қотиши: уларни тананинг қайси анатомик жойларда ривожланиши, юз мушакларида, бўйин, танада, кўл ва оёқларда пайпаслаб аниқланиб кўрсатиб ўтилади.

Хулоса: охирги йиллар мобайнидаги судтиббий эксперт (врач эксперт) ларни воқеа жойига чиқиши нисбатан кескин пасайган ҳамда воқеа жойига чиқувчи экспертларни воқеа жойига чиқиш жамадони кўп ҳолларда йўқлиги воқеа жойини қўздан кечириш сифатини пасайишига олиб келган, шуни эътиборга олган ҳолда терговчи томонидан мутахассис судтиббий экспертларни воқеа жойига жалб қилишни кучайтириш лозим, шунингдек мутахассис судтиббий экспертларни эксперт жамадони билан таъминлаш иш сифатини оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Ҳодиса (мурда топилган) жойини кўздан кечиришда суд тиббиёти соҳасидаги врач-мутахассиснинг иш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 520-сон буйруги.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертиза тўғрисида”ги қонуни. 2010 йил 1 июн.
3. 2002 йил 29 ноябр. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протессуал кодекси. Т.: “Адолат”. 2008.
4. “Мурда суд-тиббий экспертизасини ўтказиш қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 153-сонли буйруғига 1-илова. 2012 йил 01 июн.
5. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Глобал Букс” нашриёти, 2018.